



МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ – ЁШЛАР НИГОҲИДА

“2017 йил – Халқ билан мулоқот ва
инсон манфаатлари йили”га
бағишланган иқтидорли талаба-
ёшларнинг
Илмий-амалий конференцияси
материаллари
ТЎПЛАМИ

2017 йил 20 май

Тошкент

Қаламир ялпиз ўсимлигининг ер устки қисмларининг ҳосилдорлиги аниқланганда, 1-вегетация йилида 2 марта суғориш ва 2 марта ўришдан сўнг 0,80 т/га ни ташкил этган.

Бўёқдор рўян – Марена красильная (Rubia tinctorum L.)

Бўёқдор рўян кўп йиллик ўт ўсимлик у табиий ҳолда Шарқий Жанубий Европа, Ўрта осий ва Кавказда учрайди. Доривор восита сифатида ўсимликнинг илдиз ва илдизпояси фойдаоанилиб унинг таркибида бўёкли моддалар гликозид шаклида мавжуддир.

Ўсимликнинг илдиз ва илдизпояси тўқимачилик саноатида бўёвчи хом-ашё сифатида ишлатилса, табобатда Рахит, ич қотганда ва жигар каслликларини даволашда ишлатилади. Бўёқдор рўян интродукция сифатида илдизпоядан экилди.

Илдизпоянинг кўқарувчанлиги (75,5%) ни ва сақланиши (100%) юқори бўлсада . 1-вегетация йилида ўсимликларнинг ўсиши паст бўлади, 2-вегетация йилининг март апрель ойларида ўсимликлар жадал ўсганлиги кузатилиб асосий пая баландлиги ўртача 30-40см ни ташкил этди.

Хулоса:

Шундай қилиб амалга оширилган тажрибалардан дастлабки хулоса қиладиган бўлса 2 тур илдизпояли доривор ўсимлик қаламчаларидан экилса кўқарувчанлиги 85,6 – 75,4 % ни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар асосида иккинчи йилнинг апрелига келиб икки тур ўсимлик тупрок юза қисмини тегишли ҳолда 80-75 % гача қопланганлиги кузатилади. Демак бу икки тур ўсимликни катта масштабдаги плантацияларини ташкил этиш ва бу майдонлардан юқори иқтисодий самарадорлик олиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистонда доривор ўсимликлар интродукцияси Докт. дисс., Т., 2009. 82-86 бетлар.
2. Ашурметов О. А., Тўхтаев Б.Е. Доривор ўсимликлар интродукциясининг тарихи, муаммолари ва истиқболлари // Ўсимликлар интродукцияси: муаммолари ва истиқболлари : Республика илмий – конференция материаллари. – Хива: ХМА, 2003.-Б. 12-15.
3. 2015 йил 20 январдаги № 5-сонли “2015-2017 йилларда ўрмон хўжаликлари тизимини ривожлантириш, доривор ва озикабоп ўсимликлар хом-ашёсини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида” баённомаси.

ПАСТ БЎЙЛИ ПАЙВАНДТАГЛАР УЧУН ИСТИҚБОЛЛИ ОЛМА НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ

Талаба: С.Ҳайдаров (ТДАУ)

Илмий раҳба: И.Т.Нормуратов (ТДАУ)

Интенсив боғ барпо қилганда улар учун нав танлашга катта аҳамият бериш лозим. Чунки навлар мажмуаси боғнинг ҳосилдорлигини ва унинг иқтисодий самарадорлигини кўп жихатдан ҳал қилади. Нав танлаганда боғ ташкил қилинаётган ҳудудда қайси навлар ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, мевасининг сифати ва иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган навлар танланади. Ҳар бир хўжалиқнинг тупрок, сув шароитидан, унинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда навлар танланади.

Асосий омиллардан навлар эрта ҳосилга қирадиган ва мўл ҳосил берадиган бўлиши лозим. Бир хил шароитда бундай навлар 2-3 баробар кўпроқ мева беради. Интенсив боғларга ҳар йили мўл ҳосил берадиган навларни танлаш лозим. Чунки бунга кўпгина ишлаб чиқариш жараёнларини режалаш, ишчи кучидан йиллар давомида текис фойдаланиш ва мевани қайта ишлайдиган корхоналарни бир меъёрга иш билан таъмин этиш, бу ўз навбатида, иқтисодий самарадорлигини белгилаб беради.

Ташки муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамли навларни танлаш лозим, яъни совуққа, касаллик ва зараркунандаларга, иссиққа ва қурғоқчиликка чидамлиларини танлаш лозим. Меваси рангдор, сифатли, мазали, узоқ сақланадиган, йўлга чидамли навлар кўпроқ эътиборни ўзига тортади. Шу билан бир вақтда бу нав дарахтларининг бўйи қаров ва ишлов бериш учун қулай бўлиши учун унча баланд бўлмаслиги керак.

Симбағазда ўстириладиган навлар танасининг ўсиш хусусиятига аҳамият бериш лозим. Танаси унча қалин бўлмаган мева деворини ҳосил қилиш ўнғай бўлган навларни танлаш лозим. Иложи борича кам меҳнат талаб этадиган танали навлар танланади. Бундай талабларга, асосан, ўсиш кучи ва новда бериш хусусияти ўртача бўлган навлар жавоб беради.

Боғларга навларни шундай танлаш лозимки, уларни пишиб етилиши кетма-кет бўлиб, мева билан бозорни ёки қайта ишлаб чиқарадиган корхоналарни ўзимиз бир текис таъмин этишимиз лозим. Шу билан бир вақтда йиғим-теримни ҳам бир текис ва узлуксиз таъмин этилади. Иқтисодий самарадорлик юқори бўлиши учун навларни тўғри танлаб, улар сонини кўпайтирмаслик лозим.

Охири пайтда Ўзбекистонда етиштирилаётган навларнинг кўпгина (60-70%) қисми кечки олмадан иборат. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан бу тафовутлар ўзгарган, эртаки ва айниқса, жуда эртаки юқори сифатли навларга эҳтиёж ортиб бораёпти. Ёзги ва эртаки навлар ҳам жуда аҳамиятли, чунки улар асосан Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинади.

Олманинг ёзги эртапишар навлари

Первенец Самарканда- Бу нав М.Мирзаев номли БУ ва ВИТИда яратилган. Жудаям ширин сувли, мазаси билан ажралиб туради. Эти қарсилдоқ, еганда сувли, меваси ташишга чидамли (20-30 кун сақланади). Серхосил, ҳар йили ҳосил беради. Дарахти баланд, танаси ясси думалок, совуққа чидамли. Пакана пайвандтагда учинчи-тўртинчи йили махсулдор ҳосилга қиради. Паст бўйли пайвандтагда эса бешинчи-олтинчи йили. Мевасининг ҳажми ўртача (90-130 г) тўғри думалок шаклда, эти сарғиш, олтин рангда. Баъзида қисман қизғиш рангга эга. Этининг ранги очсарик, новотранг, серсув, хушбўй ҳидли. Тўлик ҳосилга қириб мўл ҳосил берган йиллари меваси майдалашиши мумкин. Шунинг учун бу навнинг танасини доим сийраклаштириб туриш лозим. Бу навни фақат эркин ҳолда ўстириш тавсия этилади.

Ред мелба- Келиб чиқиши Канададан. Мевалари ўртача (90-120 г), думалок учи қовурғали, меваси нозик, мазкур қоплама билан қопланган, қизил малина тарам қизғиш рангга эга. Эти оқ яшил, нозик, серсув, ажойиб нордон ширин, мазали, хушбўй ҳидли. Мевалари узилгандан сўнг бир ойгача сақланади. Паст бўйли пайвандтагда дарахтлар эрта ҳосилга қиради, ҳосилдорлиги юқори ва йиллар давомида текис. Замбуруғли касалликларга чидамлиги ўртача. Дарахтлари ўрта бўйли, сийракрок шохланган, думалок шаклга эга, қишга чидамли. Симбағазда шакллантириш учун танаси жуда қулай. Мевалари нозикрок бўлгани учун ташишга унча чидамли эмас. Шунинг учун уларни аҳоли яшаш жойларига яқин бўлган ерларда экиш мақсадга мувофиқдир.

Боравинка Ташкентская- Эски рус олма нави. Боравинканинг дурагайи. М.Мирзаев номли БУ ва ВИТИда ажратилиб олинган. Мевалари ўртадан юқорирок (120-140 г.) бир текис, тўғри думалок чўзинчок шаклли, уч томонида билинар-билинемас қовурғали, жуда чиройли, тўқ оқ қизил тарам-тарам қизғиш рангга эга. Эти оқ рангга эга, зичлиги ўртача, серсув, хушбўй нордон ширин мазали, хушбўй. Меваси 30 кунгача узилгандан сўнг сақлана олади, ташишга чидамли. Дарахти кучли, танаси бақувват новдаларга эга, кенг думалок шаклга эга, совуққа чидамли. Нав эрта ҳосилга қиради ва йиллар давомида текис ҳосил беради. Пакана пайвандтагда ўсувчи дарахт симбағазда яхши шаклланади ва ўсади. Олма қурти ва бошқа ҳашаротлар билан кам шикастланади.

Кузги олма навлари

Кинг девид- АҚШдан келиб чиққан нав. Мевалари ўртача (90-120 г), япалокрок думалок шаклда, тўқ қизил рангда. Мевасининг эти оқ олов сарғиш рангли, тетиклаштирувчи нордон ширин мазали, ёқимли хушбўй, сақланиш даври узоқ, ташишга жудаям чидамли. Совутгичли хоналарда март ойигача сақланади (200-240 кун). Дарахти етарли даражада кучли ўсувчи. Думалок сийрак танага эга, симбағазга шаклланишга жудаям мойил. Серхосил ва қишга чидамли нав. Пакана пайвандтагда иккинчи-учинчи йили паст бўйли пайвандтагда эса туртинчи-бешинчи йили ҳосилга қиради. Ҳар йили мўл ҳосил беради. Ун шудринг касаллигига чидамли, мева қурти ва бошқа ҳашаротлар билан кам шикастланади. Қалмазар касаллигига ҳам анча чидамли.

Пармен зимний золотой- Мевалари ўртача катталиқда (90-120 г), думалок сал чўзиқрок, сарғиш олтин рангга эга, қизил оловранг йўл-йўл қизғиш тусга эга. Мевасининг эти сарғиш, зич, серсув, хушбўй, ширин-нордон мазали. Узилгандан сўнг мевалари ноябрь ойигача яхши сақланади, ташишга чидамли. Дарахтлари ўрта ўсиш кучига эга, танаси етарлича сийрак, қишга чидамли. Бу навнинг танаси симбағазда ўстириш учун эталон бўлиб ҳисобланиши мумкин. Ҳосилга эрта қиради ва ҳар йили мўл ҳосил беради. Агротехника тадбирлари етарли даражада бўлмаса меваси майдалашади, тўкилади ва мева қурти билан кучли зарарланади. Бу навни тупрок унумдорлиги юқори бўлган, сув билан яхши таъминланган ерларда ўстириш лозим.

Джонатан- Америкада яратилган нав. Меваси ўртача (100-120 г), тўғри думалок, учи чўзиқрок шаклда, пўстлоғи зич, сарик фонда тўқ қармин қизил рангли сурқалган ранг билан қопланган. Эти сарғишрок, серсув, хушбўй, нордон ширин, аёло даражада мазага эга. Мевалари, асосан, истеъмолга ишлатилади (десерт). Йулда ташишга чидамли, ноябрь-декабрь ойларигача совуткичларда яхши сақланади. Дарахтлари ўрта бўйли, думалок ёйиқ шакл ҳосил қилади, новдалари эгилиб осилиб туради, совуққа етарлича чидамли. Симбағазда танаси яхши шаклланади, лекин ўсиш даврида танасини сийраклаштириб туриш зарур. Эрта ҳосилга қиради, мўл ва ҳар йили ҳосил беради. Агротехника тадбирларига талабчан, ун шудринг касали билан кучли зарарланади. Меваси сақлаш даврида қора доғ касали билан зарарланади.

Голден Делишес- Синоними Золотое превосходное. Нав Америкадан келиб чиққан. Мевалар ҳажми ўртадан йирикрок (130-150 г), конуссимон думалок шаклда, ранги сарғиш олтин рангда, юпка, силлик, баъзи вақтда қуёш тушган томонида қизғишлиги бор. Эти оқ рангда, зич, нозик, жудаям серсув, ширин енгил нордонлиги бор, жуда хушбўй, аёло таъмли. Мевалари январь-февраль ойигача яхши сақланади, ташишга чидамли. Ўз вақтида узилмаган мевалари сақлаш даврида буришиб қолади. Паст бўйли пайвандтагларда дарахтнинг ўсига кучи ўртача. Танаси думалок яссисимон, она шохлари сийрак, ёши ўтиши билан сершоҳ бўлади. Мўл сифатли ҳосил олиш учун танасини сийраклаштириб туриш лозим, аёқ ҳолда ҳосилни қўп бериб ўсиши кучи кесилади ва ҳосил майдалашиб, солкашлик юзага келади. Бу нав симбағазда ўстириш учун анча қулай, танаси симбағазга яхши шаклланади. Эрта ҳосилга қирувчи серхосил нав. Ун шудринг ва қалмазар касалликларига чидамли.

Қишки навлар

Ренет Симиренко- Асосий қишки Ўзбекистонда ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган нав. Меваси ўртачадан йирикрок (120-140 г), ёш дарахтларда йирикрок бўлади, дарахт шакли кенг конуссимондан юқори конуссимонга қадар ранги сарғиш яшил ранг, танаси бўйлаб майда оқ нукталар мавжуд. Эти яшил сарғиш, зич, жуда серсув, хушбўй, шакар ва кислота нисбати жудаям мўътадил. Мевалари ўз хусусиятини ўзгартирмаган ҳолда май ойигача сақланади, ташишга чидамли. Дарахти ўрта бўйли, танаси кенг думалок, зич. Симбағазли

шаклда яхши ўсмайди, кучли кесиш ва танасини сийрак шаклантиришни талаб қилади. Ҳосилга эрта киради ва мўл ҳосил беради, лекин солкашлиги мавжуд. Нав кишга унча чидамли эмас, киш ойларида кун исиб совиши натижасида совук уриши эҳтимоли мавжуд. Мажбурий тиним даври жуда қисқа. Қалмағаз касаллиги билан кучли шикастланади, қора рак (саратон) касаллиги билан ҳам шикастланади.

Нафис- Қишки рангдор олмадан 1963 йили М.Мирзаев номли БУ ва ВИТИ боғларидан А.Х.Хамроходжаев томонидан ажратиб олинган. Меваси йирик (160-180 г) озгина япалоқрок думалок конус шаклига эга, чиройли яшил сарғиш рангли ва малина рангли кизғишликка эга. Эти оқ рангли, ўртача зичликка эга, нордон ширин мазали. Совутгичларда мевалари феврал-март ойигача сақланади, ташишга чидамли. Дарахтлари кучли ўсади, думалок сийрак танага эга, кишга чидамли. Симбағазли боғларда яхши шакл олади. Паст пайвандтагларда маҳсулдор ҳосилга учинчи-тўртинчи йили киради. Ҳар йили юқори ҳосил беради. Мевалари жудаям кам тўкилади. Олтинчи йили ҳосилдорлиги 183 ц/га ва еттинчи йили 208 ц/га ни ташкил қилган. Нав парша касаллигига чидамли, олма курти кам шикастлайди. Бу навнинг пакана пайвандтагга уланган дарахтларини симбағазли боғларда ўстириш самара беради.

Голд спур- Голден Делишес навининг дурагайи, дарахти халқасимон мева шохларида ҳосил берувчи дурагай. АҚШда ажратиб олинган. Дарахтларининг бўйи Голден Делишесга нисбатан пастроқ, мева куртаклари халқасимон, меваси йирикрок. Симбағазли боғларда яхши шаклланади. Эрта ҳосилга киради ва мўл ҳосил беради. Бу навнинг ишлаб чиқариш хусусиятлари паст бўйли ва ўрта бўйли пайвандтагга уланган дарахтларда ҳам ўрганиб чиқиш яхши самара беради.

Скарлет Стейморед- АҚШда яратилган Стейман навининг куртак дурагайи. Ўзбекистон шароитида мевасининг пишиш даври бўйича кишки навларга киради. Мевалари ўртача, думалок шаклда, тўқ ёйиқ кизил ранга эга. Эти жуда серсув, ёқимли ширин нордон мазали. Меваси ўз вақтида узилмаса банди атрофида ёриклар пайдо бўлади. Дарахти кучли ўсади, деярли халқадор куртаклар ҳосил қилади. Эрта ҳосилга кирувчи нав, ҳар йили мўл ҳосил беради. Симбағазли боғларда яхши шаклланади. Меваси яхши сақланади. Бу нав кенг қўламда синаш учун тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арипов А.У., Арипов А.А. “Уруғли интенсив мева боғлари”. Тошкент: “Шарк”, 2013. 92-96 б.
2. Останакүлов Т.Э., Нарзиева С., Фуломов Б.Х. Мевачилик асослари. С.. 2011. 12-18 б.
3. Шредер Е.А., Аҳмедов Ш.М. Собиров Ш.Ю. Каталог сортів яблони. Ташкент “Янги авлод”, 2014. 14-20 с.
4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган кишлок ҳўжалик экинлари Давлат Реестри. Т., 2015. 61-64 б.

ДОРИВОР БЎЁҚДОР РЎЯН — *RUBIA TINCTORUM* L. ЭТИШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Магистр З.Язлова (ТДМУ)
Илмий раҳбар: Б.Тўхтаев (ТДМУ)

Давлатимиз томонидан амалга ошириладиган ижтимоий, иқтисодий ислохатларнинг барчаси халқимизнинг шони-шухрати, мавқеи, турмуш тарзи, саломатлигини янада яхшилашга қаратилган. Соғлиқни сақлаш бўйича олиб бориладиган тадбирлар эса алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса инсонларни саломатлиги ҳамда эртанги кун давомчилари бўлган ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзига қатта эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадни амалга оширишда инсонлар саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган табиий дори воситаларини ишлаб чиқиш, улардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун Ўзбекистон флорасида кенг тарқалган доривор ўсимликларниҳар томонлама илмий асосда ўрганиш талаб этилади. Улар орасидамаданйлаштирилган доривор ўсимликларни плантацияларини яратиш йўлида ҳозирги кунда давлатимиз томонидан бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Қуёшли Ўзбекистонимизнинг табиий ҳудудлари доривор ўсимликларга жуда бойлиги ҳамда тўрт фаслнинг мўътадиллиги билан ҳам ўзига хос

Дунё микёсида дори воситаларининг табиийлиги билан Хитой ва Ҳиндистон қадимдан ва ҳозирги кунга қадар илғор давлатлар қаторида ўрин эгалламоқда. Бу давлатларнинг тажрибаларига асосланган ҳолда доривор ўсимликларни ўрганиш ва қўпайтириш борасида агротехнологик тадбирларни ишлаб чиқиш ҳозирда олимларнинг диққат эътиборига тушган. Олиб бориладиган илмий изланишларнинг самараси халқ табобати ва дори-дармон ишлаб чиқариш талабини маълум миқдорда қондириш учун хизмат қилади.

Дори дармон ўсимликлар қаторида *Rubicaeae* оиласига мансуб турлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бундан ташқари дориворлик хусусиятларининг мавжудлиги билан бирга, ажралиб туради. Қасалиқларни даволаш ва олдини олиш мақсадида қўллаш учун одатда улардан қўпинча дамлама, қайнатма, экстракт, препаратлар тайёрланади. Мазкур оила вакиллари таркибида Илдизпоя таркибида 5—6% гача антрацен унумлари (ализарин, руберитрин кислота, галиозин, пурпурин, қсантопурпурин, псевдопурпурин, рубиадин-глюкозид, мунистин, луцидин, иберизин вабошқа моддалар бор

Бўёқдор рўян — *Rubia tinctorum* L. ва грузия рўяни *Rubia iberica* C. Koch. (*Rubia tinctorum* L. var. *Iberica* Fisch. ex DC) рўяндошлар — *Rubicaeae* оиласига киради.

| | |
|--|-----|
| <i>М.Ж. Кучкарова, А.Ш. Шералиев</i> | |
| ЛЕСОМЕЛИОРАТИВНЫЕ МЕРОПРИЯТИЯ ПРОТИВ ЭРОЗИИ ПОЧВ <i>Д.Аргинбаева, Г.Махмудова</i> | 148 |
| АССОРТИМЕНТ ДЕКОРАТИВНЫХ ЛИАН ДЛЯ ПРИМЕНЕНИЯ В ВЕРТИКАЛЬНОМ ОЗЕЛЕНЕНИИ <i>Ш.Шарапова, Г.Махмудова</i> | 149 |
| МАТЕМАТИЧЕСКИ-СТАТИСТИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ В ЗАЩИТЕ РАСТЕНИЙ <i>Ш.Юлдашева, Ш.Аманов</i> | 151 |
| ТУРЛИ МУДДАТДА ЭКИЛГАН САБЗАВОТ ҚОВОҚЧАСИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ <i>А.Саматов, С.И.Дусмуратова</i> | 153 |
| САБЗАВОТ ҚОВОҚЧАСИНИ КЎЧАТДАН ЕТИШТИРИШ <i>А.Саматов, С.И.Дусмуратова</i> | 155 |
| ЁШ АВЛОДГА ХАВФ СОЛАЁТГАН КАСАЛЛИКЛАРДАН БИРИ – САРАТОН ВА УНИ ДАВОЛОВЧИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР <i>С.Б.Рузиева, Н.З.Арапова</i> | 156 |
| ЧАКАНДАНИ (<i>HIPPORHAE RHAMNOIDES L.</i>) НОВДА ҚАЛАМЧАЛАРИДАН КЎПАЙТИРИШ <i>Б.М.Бойназаров, Э.Т.Бердиев</i> | 157 |
| ҚИЗИЛ ПИРОКАНТАНИНГ БИОЭКОЛОГИЯСИ <i>К.А.Халилова, Я.Юлдашов</i> | 159 |
| ЧИЛОНЖИЙДА УРУҒ КЎЧАТЛАРИНИ ПАЙВАНДЛАШ ВА КЎЧАТЛАРНИ ПЛАНТАЦИЯГА ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ <i>Д.Б.Абдуллаева, Я.Х.Юлдашов</i> | 161 |
| БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РЯБИНЫ <i>О.Ж.Назарова, А.Кайимов</i> | 162 |
| БИР ЙИЛЛИК МОЙЛИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ҲАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ. <i>С.М.Хазраткулова, И.М.Саматов</i> | 163 |
| ЎРМОН ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДАГИ АҲАМИЯТИ <i>И.М.Саматов, Ф.Д.Хайтов</i> | 165 |
| ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИГА ҚАРШИ ЧЎЛ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ <i>М.Нематов, Я.Юлдашов</i> | 167 |
| ДЎЛАНА (<i>CRATAEGUS</i>) ТУРКУМИДА БИОХИЛМАХИЛЛИК ВА ИСТИҚБОЛЛИ ФЙДАЛАНИШИ <i>З.К.Ёдгоров, Э.Т.Бердиев</i> | 168 |
| ҚИЗИЛ БОШЛИ ВА ОҚ БОШЛИ КАРАМНИНГ ТАКРОРИЙ МУДДАТДА БНОКИМЕВИЙ ТАРКИБИНИ АНИҚЛАШ <i>Б.А.Рустамов, М.М.Адилов</i> | 170 |
| ШИФОБАХШ ДЎЛАНА (<i>CRATAEGUS</i>) ВА УНИ КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ <i>З.К.Ёдгоров, Э.Т.Бердиев</i> | 172 |
| КАРТОШКАНИНГ БАКТЕРИАЛ КАСАЛЛИКЛАРИВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ <i>Б.О.Хасанов, Қ.Саттаров</i> | 174 |
| ТРИНИТИ ВА ФИСТ ГЕРБИЦИДЛАРИНИНГ БЕГОНА ЎТЛАРГА ҲАМДА ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ <i>Ш.Ж.Пулатов, М.Шодманов</i> | 176 |
| ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ БИР ЙИЛЛИК ВА КЎП ЙИЛЛИК БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ХИМГЛИФОС ВА ХИМСТОП 330 ГЕРБИЦИДЛАРИНИ КЕТМА-КЕТ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ <i>М.Шодманов, Ш.И.Мустафаев.</i> | 178 |
| ИННОВАЦИЯ - МЕХАНИЧЕСКАЯ ЛОВУШКА ДЛЯ СБОРА НАСЕКОМЫХ <i>С.С.Кожевников, А.Г.Кожевникова</i> | 181 |
| ТОҒОЛДИ МИНТАҚАЛАРДА ЕТИШТИРИШ УЧУН КАРТОШКА НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ <i>Б.Баходиров, О.Қодирхўжаев</i> | 182 |
| КАРТОШКАНИ ҚАЛАМЧАЛИ МИКРОКЎПАЙТИРИШ <i>Д.М.Азимова, М.С.Мамиев</i> | 183 |
| ИЛДИЗПОЯЛИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ (ҚАЛАМПИР ЯЛПИЗ ВА БЎЁҚДОР РҮЯН) <i>З.Язилова, Б.Тўхтаев</i> | 184 |
| ПАСТ БЎЙЛИ ПАЙВАНДАГЛАР УЧУН ИСТИҚБОЛЛИ ОЛМА НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ <i>С.Ҳайдаров, И.Т.Нормуратов</i> | 185 |
| ДОРИВОР БЎЁҚДОР РҮЯН — <i>RUBIA TINCTORUM L.</i> ЕТИШТИРИШ УСУЛЛАРИ <i>З.Язилова, Б.Тўхтаев</i> | 187 |